

Инновацион ҳамкорликда янги қадамлар.

Анотация

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш, унинг эртанги куни – истиқболини яратиш, жамиятни ривожлантиришда ҳар бир касбнинг ўрни ва аҳамияти юзасидан фикр олиб борилган. Хусусан қўғирчоқ театри томошалари, унинг ижтимоий аҳамияти, ёшлар онгини ривожлантиришдаги ўрни ҳақида сўз боради. Мақола Республикада фаолият олиб бораётган ўн та давлат қўғирчоқ театрлари ижодий жараёнларини танқидий, таҳлилий ўрганиш баробарида, соҳага тўсиқ бўлаётган масалалар ечими юзасидан таклифларни ўз ичига олган. Шунингдек, “Қўғирчоқ театр санъати” кафедраси ва театрларнинг корпоратив ҳамкорлиги, ютуқ ва камчиликлари юзасидан мутахассислар мулоҳазалари ўрин олиган.

Анотация

В этой статье обсуждается роль и значение каждой профессии в развитии Республики Узбекистан, ее будущее - перспективы, развитие общества. В частности, роль кукольного театра, его социальная значимость и его роль в развитии молодежного сознания. Статья также включает критическое аналитическое исследование творческих процессов десяти республик кукольного театра, а также предложения о том, как бороться с промышленностью. Также есть мнения сотрудников кафедры «Кукольного театрального искусства» и теоретические аспекты корпоративного партнерства, достижения и недостатки театров.

Annotation

This article discusses the role and importance of each profession in the development of the Republic of Uzbekistan, its future - prospects, development of society. In particular, the role of puppet theater, its social significance and its role in the development of youth consciousness. The article also includes a critical analytical study of the creative processes of the ten republics of the puppet theater, as well as suggestions on how to deal with industry. There are also opinions of the staff of the Department of Puppet Theater Art and the theoretical aspects of corporate partnership, the achievements and shortcomings of theaters

Калит сўзлар; Қўғирчоқ театри, спектакль, режиссёр, кўғирчоқ устаси.

Бугун мамлакатимизда бўлаётган барча соҳалардаги ислохотлар, Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой топиши йўлидаги сай-ҳаракатлардир. Ўзбекистон Республикаси Президенти олға сураётган халқимизнинг ўз ҳаётидан ризо бўлиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш йўлида хизмат қилиш ғояси ҳар биримиздан шунга мос фаолият юритишимизни талаб этмоқда. Ўтган 2017-йил ва 2018-йилнинг жорий ҳолатига санъат ва маданият соҳаларини тубдан яхшилаш, ижод аҳлига қулай шароитлар яратиш борасида ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилинди. Биргина 2017-йилнинг 3 август санасида адабиёт, санъат ва маданият зиёлилари билан бўлган учрашув бу соҳа вакиллари учун унутилмас санага айланди. Шу куни мамлакат Раҳбари томонидан соҳа фаолияти, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, ўз ечимини кутаётган долзарб вазифалар, эришилиши шарт бўлган амалий ишлар юзасидан танқидий-тахлилий, аниқ мисолларда рўй-рост очиб берилди. Адабиёт, санъат ва маданият соҳаларини улуғ илоҳий истеъдод эгалари деб юксак баҳорлаш билан бирга, уларни ижодий фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш маъносида юртимизнинг йирик ташкилот ва корхоналарини ҳомий этиб бириктирдилар. Президент ташаббуси билан ташкил этилган “Дўстлар клуби” давримизнинг феномен ходисаси бўлди десак муболаға эмас. Зеро, барча даврларда моддий етишмовчилик бу соҳа вакиллари энг оғриқли жойи бўлиб келгани тарихдан маълум. Эндиликда яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, ҳар биримиз юқори сифатли ижод маҳсуллари билан жавоб бериш даври келди. Бу маънода театр санъатининг ўзига хос тури саналган кўғирчоқ театри санъати борасида ҳам режаларни аниқ белгилаб, йўл харитасини ишлаб чиқиш зарурати кўринди.

Кўғирчоқ театри ўзининг кўп йиллик тарихи, эвалюсион ривожланиш босқичларида жажжи широнтойлар учун энг севикли маскан сифатида кадр топган. Ундаги ёлғон ва ҳақиқатнинг уйғунлашиб ифодаланиши, кичик томшабин кўз ўнгида ғайри оддий мўъжизани акс эттиради. Худди шу жихат болажонлар учун кўғирчоқ театр томон доимий интилишни таъминлайди. Боланинг мурғак қалби, дунёни танишга талпиниб боққан беғубор кўзлари, айнан шу театр томошалари билан озукланади, шаклланади ва камол топади. Бу ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топишларида кўғирчоқ

театри тарбиянинг бош бўғини сифатида намоён бўлади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сон Фармонида мақтабгача таълим вазирлигини ташкил этиш юзасидан кўрсатмаларида жумладан шундай дейилади: “– Мақтабгача таълим соҳаси узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланиб, у ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мақтабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади.” [Toshkent sh., 2017 yil 30 sentabr, PF-5198-son.] Қўғирчоқ театр томошалари ҳам аксарият мақтабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчилари учун хизмат қилиб келган.

Қўғирчоқ театри санъати ҳақида сўз юритганда, миллий қўғирчоқлар тарихини илмий тадқиқ этган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Мухсин Қодировнинг: “– Осиё қўғирчоқ театри бу шунчаки эрмак эмас, балки бир қитъа халқларининг фалсафаси, тасвирий санъати ва албатта тиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим тарихий бадиий ҳодисадир.” [M.Qodirov. Teatr san’ati o‘tmishdan lavhalar. Toshkent. Fan nashriyoti 1993 yil. 163 bet.] – деб бу санъат турига берилган улкан баҳо эътиборимизни тортади. Кўринадики, қўғирчоқ театри санъати барча даврларда жамият ижтимоий ҳаётдаги маънавият ва маърифат йўлидаги хизмати алоҳида аҳамиятга эга, барчага бирдек севимли соҳа сифатида намоён бўлган. Ўзининг бой анъаналарига ва тарихига эга бўлган бетакрор бу санъат турининг бугунги ижодий фаолияти аччиқ бўлсада, қониқарли деб бўлмайди.

Бугун Республикамизда ўнта давлат қўғирчоқ театрлари ижодий фаолият юритиб келмоқдалар. Бир қарашда ижодий жамоа ишлари доимий ҳаракатда, муаммолар йўқдай. Аммо соҳани ичига кириб борган сари муаммо ва камчиликлар бирин кетин намоён бўлади. Бу муаммолар бир томондан театрдаги профессионал кадрлар етишмаслиги билан боғланса, бошқа томондан ундаги моддий техник баъзани замон талабига жавоб бермаслиги билан изоҳланади.

2018-йил 6 июнь куни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳаларида тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3151-сонли ҳамда 2018-йил 7 май санасидаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида” ПҚ-3698-сонли Қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, институтнинг “Қўғирчоқ театри санъати” кафедраси ҳамда Республикада ижодий фаолият олиб бораётган ўнта давлат қўғирчоқ театрлари ҳамкорлигида **“Республика давлат қўғирчоқ театрларини профессионал фаолиятини такомиллаштиришнинг илмий-амалий ечимлари”** мавзусида Республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

Мазкур илмий-амалий семинарда соҳани янада ривожлантириш, таълим ҳамда амалиёт ўртасидаги интеграцияга тўсиқ бўлаётган объектив ва субъектив сабабларни, ечимини кутаётган долзарб масалалар юзасидан санъатшунослик фанлари доктори С.Қодирова “Қўғирчоқ театри санъатига илмий назар”, кафедра профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси М.Ашурова “Қўғирчоқ театрининг ижтимоий аҳамияти, профессионал фаолиятдаги муаммо ва ечимлар” ва Д.Юлдашева “Важные аспекты проблем театра кукол на современном этапе (на премьере Узбекистанского государственного театра кукол)” мавзусидаги маърузалари тингланди.

Маърузачилар мавзу доирасида бу соҳани бугунги ҳолатини баҳолаб, мавжуд муаммоларни танқидий таҳлиллар асосида ечими учун ўз таклифлари билан ўртоқлашдилар. Шу куни Республиканинг барча қўғирчоқ театрлари раҳбарияти ва ижодий мутасаддилар маърузачиларни диққат билан тингладилар, сўнг фикр-мулоҳаза ва баҳс-мунозаралар авжига олди. Беғараз тортишувлар айбдорни топиш эмас, балки муаммони ечимига қаратилди. Жумладан: соҳада оқсаётган қўғирчоқ театрининг драматургияси масаласи. Гарчан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси таркибида драматурглар тайёрлансада, бироқ талабалар ичида қўғирчоқ театри учун пьеса ёзадиган ижодкорлар деярли йўқ.

Бу ҳақда маърузачи С.Қодирова “– Қўғирчоқ татри учун ёзилган пьеса кичик ҳажмда бўлганлиги учун эмас, балки воқеаларнинг ҳаракатга асосланганлиги, аниқ ғоя ва мақсад бўлганлиги ҳамда сўзамонликдан йироқлиги билан ажралиб туриши лозим. Зеро, қўғирчоқ катта монолог ва насихатомуз сўзларни ифода этиши қийин.”[2018 йил 6 июнь Республика илмий-амалий семинарида С.Қодированинг “Қўғирчоқ театри санъатига илмий назар” номли маърузасидан] - дейди. Қўғирчоқ театрининг воситаси бўлган қўғирчоқлар юз мимикасига эга эмас. Драматик театр актёри каби кечинмаларни юз мимикалари орқали акс эттира олмайди. Шу сабабдан бу санъат турида узок монологларни специфик қабул қила олмайди. Шунинг учун кам сўз кўпроқ ҳаракат талаб этилади.

Яна бир масала кўғирчоқ ясовчи рассом, кўғирчоқ устаси, мутахассис етишмаслиги. Айнан шу сабабли аксар холларда вилоятлардаги кўғирчоқ театрлари ўз хусусиятини йўқотиб, жонли планда спектакллар сахналаштирилмоқда. Ҳолбуки тасвирий санъат махсули-кўғирчоқларсиз бу театр санъати ўз хусусияти ва жозибасини, цехрини йўқотади. Бу борада кадрга бўлган эҳтиёж, навбатдаги кўғирчоқларнинг ўзида аниқ характер етишмаслиги, техник бошқаришга қулайсизлиги, механикаси ва конструкциясида ўта содда услубларни қўллаш муаммоларини келтириб чиқармоқда. Бугун кўплаб вилоят театрлари ўзларида кўғирчоқ ясовчи мутахассис йўқлига сабаб пойтахт театрига мурожат этмоқдалар. Улар эса шартнома асосида буюртмаларни етказиб беришмоқда. Хўш муаммо нимада дерсиз. Гап шундаки, ҳар икки йилда бир маротаба Республика профессионал давлат кўғирчоқ театрларининг ижодий кўрик фестивали бўлиб ўтади. Айнан шу фестиваль доирасида театрлар ўзаро рақобатчи ҳисобланадилар ва табиийки бир уста қўлидан тайёрланган кўғирчоқлар бўлгани сабаб кўғирчоқларда ўхшашлик кузатилади. Рангба-рангликка эришиш учун эса албатта кўғирчоқ устаси бошқа бошқа бўлиши шарт. Бу ўз-ўзидан ижодий рақобат ва новаторлик дегани. Бу эса шу касб эгаларига Республика миқёсида эҳтиёжни намоиш этмоқда. “Кўғирчоқ яшаш технологияси” таълим йўналиши учун 2019-2020-йилларда қабул эълон қилиш институтнинг истиқболли дастурга киритилди. Энди таълим олдида хорижий турдош олий таълим муассасалари фаолиятдан бу борада таълим тизимини амалий кўриш, меърий ҳужжатидан тортиб малака амалиётига қабул меъзонларигача ўрганиш масаласи турибти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида “– Олий таълим тизимида ўз йўналишлари бўйича дунёнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишлар етарли даражада олиб борилмаяпти.” [Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан] – деб айтган сўзлари бизларга дастур бўлмоғи керак.

Бугунга қадар кўғирчоқ театри актёрлари ва режиссёрларини касбий тайёрлашда мутахассисликни тўлдиришга хизмат қилиб келган “Кўғирчоқ яшаш технологияси” фани кўғирчоқларни қўлқопли туринигина яшашни ўргатиб келган. 2016-йилдан таълим йўналиши талабалари учун 3-курс

босқичида “Қўғирчоқ конструкцияси” фани киритилди ва фан доирасида кафедранинг ёш изланувчан ўқитувчиси Б.Маматқулов томонидан янги билимлар, қўғирчоқларнинг ички механикасини ясаиш сирлари ўргатиб келинмоқда. Аммо улар бу соҳани умумий ўрганадилар холос. Эндиликда шу билимларнинг прооффессионал эгаллаган касб эгаларига театр на қадар эҳтиёжи борлигини кўрсатмоқда. Ва янги таълим йўналиши, қўғирчоқ ясовчи усталарни касбий ўқитиш, юқори малакали мутахассис этиб тарбиялаш, ниҳоят уларни Республика давлат қўғирчоқ театрларига етказиш билан муаммоларни ҳал қилиш кераклиги кўринмоқда. Бу эса мутахассис кафедра профессор-ўқитувчиларни илғор хорижий олий таълим муассасаларида малака оширишга юбориш заруратини кўрсатмоқда. Хозир илғор мамлакатлар тажрибасини кузатсак, қўғирчоқ яшаш технологияси ва конструкцияси дарсларида турли станоклар билан ўта мураккаб қўғирчоқ қисмларини тез ва сифатли бажараётганларига гувоҳ бўламиз.

Семинарда кўтарилган муаммолардан навбатдагиси қўғирчоқ театри режиссёрларига бўлган эҳтиёждир. Театр тақдири ва ижодий фаолиятини ҳал қилувчи куч – бу режиссёрдир. 2014-йил битирувчилари бўлган “Қўғирчоқ театри режиссёрлиги” таълим йўналишининг энг сўнги битирувчилари сифатида вилоят қўғирчоқ театрларида фаолият олиб бормоқдалар. Хўш, унга қадар бу таълим йўналишини тамомлаган кадрларчи, улар қаерда ишламоқда деган табиий савол туғилади. Уларнинг аксарияти вилоят марказидан узоқда яшайди ёки Тошкентлик бўлиб, театрда мутахассис етарли бўлгани сабаб маданият соҳасининг бошқа тармоғида фаолият олиб бормоқда. Бироқ бу талабаларнинг ҳар бири диплом иши спектакллариини ўз вилоятлари ва пойтахт театрларида мувоффақиятли сахналаштирган ва ҳимоя қилганлар.

2018-2019-ўқув йили қабул квоталари ичдан ўнта “Қўғирчоқ театри режиссёрлиги” таълим йўналиши учун ўрин ажратилиши Республика илмий семинарида кўтарилган муаммони ҳал қилишдаги амалий қадамлардан бири бўлди. Яна шуниси аҳамиятлики, уларнинг тўрттаси рус гуруҳи учун ажратилганидир. Республикамиздаги давлат қўғирчоқ театрлари жамоаси ичида рус гуруҳлари ҳам ижод этиб келмоқдалар. Юқоридаги қабул тақсимои уларнинг соҳадаги кадр эҳтиёжи йўлида навбатдаги амалий ечимга қўйилган қадамлардан бўлди. Тўғри, бу рақамлар барча қўғирчоқ театрлари эҳтиёжини қамрай олмасада, бироқ амалий ечимларга асос бўла олади.

Республика давлат қўғирчоқ театрларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини бартараф этишда мамлакат раҳбари томонидан 2018-йил 4 июлда ПҚ-3769 “2018-2019-ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг

олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги Қарорида айtilган вазифаларни йўлга қўйиш орқали эришсак бўлади. Унга кўра эхтиёжларни реал ўрганиб, сиртки ва махсус сиртки курсларини ташкил этиш борасида вазирликларга иш берувчи мурожати асос қилиб оlinиши кераклиги айtilади.

Бундан кўринадики, ҳар бир вилоят қўғирчоқ театри мутасаддилари маданият вазирлиги ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таълим йўналишлари учун йиллар кесимида эхтиёжини кўрсатиши керак. Шунда эхтиёждан келиб чиққан ҳолда сиртки таълим йўналишига квоталар ажратилади. Бизнингча, сиртки ва махсус сиртки курсларга эса театрда 3 йилдан кам бўлмаган муддат фаолият юритган ўрта махсус маълумотли актёрларни қабул қилиш тўғри бўларди. Шунингдек, кадрларни манзилли тайёрлаш, яъни “А” ва “Б” сиртки ёки махсус сиртки гуруҳларини ташкил этиш механизмини йўлга қўйиш керак. Масалан, “А” гуруҳ Андижон, Фарғона вилоят давлат қўғирчоқ театри актёрлари учун, “Б” гуруҳ Самарқанд, Жиззах вилоят давлат қўғирчоқ театри актёрларидан иборат ваҳоказо дегандек мақсадли очилса. Шу шаклда ҳар йили қабул йўлга қўйилса, биз 5 йилда Республика қўғирчоқ театрлари эхтиёжини маълум маънода қондирган бўламиз.

Режиссёрларга келсак, улар учун ҳам сиртки бўлимни ташкил этиш мумкин. Аммо, мактаб ёки коллеж, лицензи ботирувчисини эмас балки бир неча йил актёр сифатида қўғирчоқ театрида фаолият юритган кадрни қабул қилиниши натижалароқ бўларди деб ҳисоблаймиз.

Семинарда кафедра профессор-ўқитувчилари захирасига эришиш мақсадида магистратура мутахассислиги очиш зарурати юзасидан ҳам таклифлар берилди. Бу масала 2018-2019-ўқув йили қабул квотасига киритилиди ва ўз ечимига томон ҳаракат бошланди.

Шу ва шунга ўхшаш таълим ва театр ҳамкорлиги борасида тўпланиб қолган қатор муаммолар танқидий ўрганилди. Инновацион ҳамкорлик борасида янги босқич шартномалари имзоланди ва истиқболдага ўзаро манфаатли ишлар механизми ишлаб чиқилди. Семинарни таълимдаги ижодий фаолиятдан намуна сифатида 4-курс “Қўғирчоқ театри актёрлиги” таълим йўналиши талабаларининг С.Рустамов асари асосида курснинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Хўжаев томонидан саҳналаштирилган “Кулол” номли диплом спектакли намоиши яқунига етказди.

Ҳа, қўғирчоқ театрини шунчаки болалар томошаси деб писанда қилмаслик ярамайди. Чунки бир қўғирчоқ спектакль орқали бола онгига сингдирган тарбиявий аҳамиятдаги ғояни бошқа ҳеч бир соҳа амалга ошира

олмайди. Зеро, “Қўғирчоқ театри санъати” кафедраси таълим йўналишлари талабалари ана шундай шарафли вазифани, театрнинг эртанги ижодий жамоалари сафини тўлдириш билан бирга, унинг репертуарини шакллантирувчи куч сифатида намоён бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПФ-5198-сон.
2. М.Қодиров. Театр санъати ўтмишдан лавҳалар. Тошкент. Фан нашриёти 1993 йил. 163 бет.
3. 2018 йил 6 июнь Республика илмий-амалий семинарида С.Қодированинг “Қўғирчоқ театри санъатига илмий назар” номли маърузасидан.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан.